Ким бир манзилга тушгандан кейин «Аллоҳнинг тугал калималари ила У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳини сўрайман» деса, унга ўша манзилдан жўнаб кетгунича бирор нарса зарар қилмайди», деганларини эшитдим

Ховла бинти Ҳакийм Суламийя айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни: «Ким бир манзилга тушгандан кейин «Аллоҳнинг тугал калималари ила У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳини сўрайман» деса, унга ўша манзилдан жўнаб кетгунича бирор нарса зарар қилмайди», деганларини эшитдим».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда умматларини бирор манзилга жойлашганда инсон қўрқадиган барча нарсаларни даф қиладиган манфаатли дуога йўлламоқдалар. Сафарда ёки сайрда бўлишидан қатъий назар, Аллоҳнинг комил, фазилатли ва ҳар қандай айбу нуқсондан пок калималари ила ёмонлиги бўлган барча махлуқдан паноҳ сўраб У Зотга илтижо қилишга йўллаб қўймоқдалар. Агар шундай қилса, унга ўша манзилдан кетгунича бирор нарса зарар қилмайди.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5932